

Жамиятда коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсади қўйидагилар ҳисобланади

Жамиятда бўш лавозимларга танлов асосида номзоднинг малакаси, касбий ва илмий ютуқларига асосий эътибор қаратилиб шаффоф усулда ишга олинади.

Хизмат вазифалари билан боғлиқ ҳаракат ёки ҳаракатсизлик эвазига ҳар қандай моддий қимматликлар олиш ёхуд мулкӣ наф қўришга умуман йўл қўйилмайди.

Ҳар қандай қонун бузилишларга, айниқса, коррупция ҳолатларига қарши қатъиятлилиқ билан курашилади.

Жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга ундовчи мурожаатлар ҳақида раҳбарга зудлик билан маълум қилинади.

Хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувӣ юзага келган ҳолатлар тўғрисида раҳбарга зудлик билан хабар берилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда қонунӣ, асосли ва адолатли ҳал қилинади.

Коррупциявий ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тушунтирилади.



Қариндош-уруғларнинг давлат корхонасида бирга хизмат қилишларини чеклаш

Ўзаро яқин қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахсларнинг (ота-она, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотин, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат ташкилотида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига ёки унинг назорати остида бўлишига боғлиқ бўлса тақиқланади. Ушбу қоидадан истиснолар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши мумкин.

*Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат кодекси 121-модда*



«НАВОИЙ КОН – МЕТТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ



КОРРУПЦИЯ - ТАРАҚҚИЁТГА ҲОВ !

Навои—2026 иил

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА ҚОНУН

Коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши.

Манфаатлар тўқнашуви - шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

УНУТМАНГ
КОРРУПЦИЯдан
ҲАР БИРИМИЗ ЖАБР КЎРАМИЗ




Коррупцияга қарши курашиш бўйича қонуности ҳужжатлар

- Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон қарори
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон қарори
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон қарори
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги ПФ-71-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-147-сонли Қарори
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 декабрдаги ПФ-270-сон Фармони



Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 210, 211 модда



Пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлиши.

Пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиши.